

Тоифаланган объектларни қўриқлаш бўйича

30 -сонли Шартнома

“05” 01 2022 йил

Фарғона шаҳар.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти Қўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи Бошқарма бошлиғи Б.И.Мирзакамалов (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади) иккинчи томондан, Низом асосида фаолият юритувчи Фарғона вилояти “Телерадиокомпанияси” директори Б.А.Обиджонов (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) биргаликда “Томонлар” деб юритилади, мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида тузадилар:

1-боб. Шартноманинг предмети

1. “Ижрочи” Миллий гвардия қўриқлаш хизмати саф бўлинмаси қўриқлаши кўринишида Буюртмачининг мулкани қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, буюртмачи эса мазкур шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган қўриқлаш хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2-боб. Умумий тартиблар

2.1 “Буюртмачи” Фарғона шаҳар Қ.Дадхох кўчаси 28-уйда жойлашган Фарғона вилояти “Телерадиокомпания” биноси асосий кириш-чиқиш дарвозаси олдига кириш-чиқишни назорат қилиш ва қўриқлаш учун 1 та 24 (йигирма тўрт) (соат 09:00 дан соат 09:00 га қадар) соатлик ва Фарғона вилояти “Телерадиокомпания” биноси орқа томони худудини қўриқлаш учун 1 та 24 (йигирма тўрт) соатлик (соат 09:00 дан соат 09:00 га қадар) саф бўлинмалари постларни ташкил этиб, Ижрочиға топширади, Ижрочи Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти Қўриқлаш бошқармаси Фарғона шаҳар қўриқлаш бўлими томонидан қўриқлашга қабул қилади.

3-боб. “Ижрочининг” асосий вазифалари

3.1. Ўта махсус худудни қабул қилишда махсус (харбий ёки ташкилотдан ташқари худудлар) “Қўриқлаш” белгиланган “Телерадиокомпания” биносида ташкил этилган 2 та қўриқлаш постлари орқали ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларин белгиланган ва келишилган нуқталарда жанговар ҳолатда хизмат қилиш бўйича маъсулдир, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Низоми талаблари бўйича ва қўриқлашнинг техник воситаларини таъмирлаш йўриқномаси асосида амалга оширилади.

3.2. Алоҳида қўриқлаш нуқта ва худудларда юқорида эслатиб ўтилган қонуний ҳужжатлар асосида тартиб ва қонунчилик талабларини амалга ошириш, яъни ҚЧН талабларини бажариш ҳамда барча шунга мўлжалланган техник воситалардан оқилона фойдаланиш.

3.3. Қўриқлаш бўйича амалдаги қонунчилик асосида айбдор-ҳодимларни қонуний ва маъмурий жавобгарликка тортиш.

3.4. “Ижрочи”нинг барча-техник муҳандислик воситаларини таъминланиши бўйича ўз вақтида талабномаларни “Буюртмачи” раҳбариятига тақдим этиб бориш.

4 боб. Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Қўриқлашга алоҳида муҳим ҳудудларни топширишдан олдин қўриқлашни амалга ошириш учун зарур бўлган шароитларни яратиб бериш, шу жумладан (яшаш хонаси, хизмат, моддий маиший ва бошқа) жойларни Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг буйруқлари ва белгиланган йўриқномалари талаблари асосида таъминлаб бериш буюртмачининг юқори турувчи органи ҳамда акциядорлари розилиги асосида.

4.2. Керакли курул-аслаха ва асбоб анжомларни “Қўриқлаш” учун сотиб олиш ёки улар учун пул воситаларини ажратиб бериш ҳамда белгиланган иш стажларини ажратиб бериш буюртмачининг юқори турувчи органи ҳамда акциядорлари розилиги асосида;

4.3. Ўта махсус ҳудудни қўриқлаш ва химоя қилиш масалалари бўйича тадбирлар ўтказиш ва бунга янги техник-муҳандислик воситаларини жорий этиш. Барча қўриқланадиган нуқталардаги техник-муҳандислик воситаларини ўз вақтида таъмирлаш ва уларни узлуксиз равишда, қўйилаётган талаблар асосида янгиллаб бориш буюртмачининг юқори турувчи органи ҳамда акциядорлари розилиги асосида.

4.4. Қоровуллик нуқталарини мунтазам равишда назорат қилиб бориш учун автотранспорт ажратиб бериш ва қўриқлаш нуқталари йўналишларини белгилаб бериш.

4.5. Алоҳида муҳим (харбий) ҳудудлардаги “Қўриқлаш” учун бино ва жойларни ўз вақтида таъмирлаб уларга лозим бўлган шароитларни яратиб бериш.

4.6. КЧН ва бошқа барча “Қоровулланиш” учун ажратилган бино ва хонадонларни махсус ва керакли мебель билан таъминлаш.

4.7. Шахсий таркибни саноат газига қарши ниқоб ва махсус уст-бош билан таъминлаш ҳамда 500 метр масофада химоя қилиниш жойлари ва химоя нуқталарини жиҳозлаб бериш.

4.8. Бошқарув нуқтаси учун керакли бўлган жойлар тайёрлаб бериш.

4.9. Алоқа учун зарурий нуқталар тайёрлаб уларни замонавий алоқа-ахборот воситалари билан таъминлаш.

4.10. Техник-муҳандислик воситаларини ва уларнинг жойлашган хоналарини ўз вақтида таъминлаш ва созлаш.

4.11. Хизмат кўрсатаётган таркибий қисм учун медицина, санитария ва маиший хизмат нуқталарини, дам олиш хоналарини ташкилот ходимлари билан тенг ҳолда Ўзбекистон Республикасининг бу тўғрисидаги қонунларига мос ҳолда яратиб бериш буюртмачининг юқори турувчи органи ҳамда акциядорлари розилиги асосида.

4.12. Ўта махсус ташкилотда хизмат қилаётган қоровуллаш хизматлари учун ушбу ташкилот ходимлари билан тенг ҳолда махсус озик-овқат олиш шароитини яратиб бериш буюртмачининг юқори турувчи органи ҳамда акциядорлари розилиги асосида.

5-боб. Шартномани қиймати ва ҳисоб-китоб юритиш низоларини хал этиш тартиби.

5.1. Ўта махсус ҳудудни қўриқлаш учун “Буюртмачи”, ҳудудни қўриқловчилар сонидан келиб чиққан ҳолда бир ойига **129 164 740 сўм (Бир юз йигирма тўққиз миллион, бир юз олтинмиш тўрт минг, етти юз қирқ) сўм тўлайди.** Қўриқлаш учун тўлов, қўриқловчилар сонидан келиб чиққан ҳолда уч ойга **387 494 220 сўм (Уч юз саксон етти миллион тўрт юз тўқсон тўрт минг, икки юз йигирма) сўмдан** иборат бўлади.

Ушбу тўлов миқдори ўзгариши мумкин. Ойлик маошининг ўзгариши билан кўрикчилар маоши Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги билан келишилган ҳолда ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони томонидан белгилаб берилган тарифларга кўра ўзгаради. Харбий хизматчилар маоши ўзгарган тақдирда ҳамда шу жумладан шартнома асосида ишлаётган ва кўриқлаш хизмати учун маош Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг махсус фармойиши асосида ўзгартирилади.

5.2. Курол аслаха, мослама, авторанспорт, алоқа-ахборот воситалари, оргтехника ва барча бошқа воситаларни сотиб олиш тўлови “Ижрочи” талабномасига асосан “Буюртмачи” томонидан амалга оширилади.

Ушбу воситаларни сотиб олиш учун маблағ “Буюртмачи” томонидан олдиндан тўлов сифатида марказлаштирилган ҳолда амалга оширилиб бу тўғрисида “Ижрочи” га ҳисоб-китоб ҳужжатларини тақдим этади.

5.3. “Буюртмачи” томонидан “Ижрочи”га кўриқлаш ва химоялаш учун сотиб олинган курол-аслаха, асбоб-анжом, автомобил, алоқа-ахборот воситалари ва умуман сотиб олинган моддий бойликлар “Ижрочи” балансига киритилиб ва кейинчалик “Буюртмачи” томонидан кўриқлаш учун қўшимча сотиб олинган ҳар қандай воситалар “Буюртмачи” балансига киритилади.

5.4. “Буюртмачи” ҳар ойнинг 25 санасига қадар тўлов суммасининг 100 % миқдоридagi маблағни “Ижрочи” нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

5.5. Агар тўлов белгиланган муддатда амалга ошмаса “Ижрочи” “Буюртмачи” ҳисоб-рақамидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан инкасса қўйиш йўли билан пул ундириб олиш ҳуқуқига эга.

5.6. Мазкур Шартноманинг 5 боб 5.4 бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўлмаганлиги учун Буюртмачи Ижрочи га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.7. Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

5.8. Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.9. Ижрочи мазкур Шартнома кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

5.9.1. Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарар тўлиқ миқдорда қопланади.

5.9.2. Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларида иборат комиссия тузулиши мумкин. Бунда, зарар миқдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

5.9.3. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафларни ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатлари белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

5.9.4. Қуйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қопламайди:

- ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамадан зарар учинчи шахсларнинг жиноий ҳаракатлари натижасида етазилган бўлса ва бу суднинг қонуний кучга қирган қарори билан тасдиқланса;

-кабул қилиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка зарар етказилганда;
-бюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганда.

5.9.5. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6-боб. Шартнома муддати уни ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби

6.1. Ушбу шартнома бир йил муддатга икки нусхада тузилган бўлиб имзоланган кунидан қонуний кучга киради.

6.2. Ушбу шартномага ўзгартириш ёки тўлдириш ҳар икки томоннинг ёзма розилиги билан амалга оширилади.

6.3. Ҳар икки томонда янги шартномани тузиш ҳаракатдаги шартноманинг тугашидан бир ой олдин амалга оширилади.

6.4. Агар қўриқланаётган ҳудуд Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан бошқа Вазирлик ёки Бошқармага ўтказилса "Бюртмачи" ўз вақтида "Ижрочи" билан ўзаро ҳисоб-китобни амалга ошириши лозим ва бу иш уч ойдан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилиши зарур.

6.5. Белгиланган масъулиятни бажармаслик ёки уни сидқидилдан бажармаганлиги учун ҳар икки томон Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги доирасида жавобгардир.

6.6. Шартномани бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарори билан амалга оширилади.

6.7. Мазкур шартнома тасдиқлангандан сўнг, 20__ йил "__" _____ кунги №__-сонли шартнома ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.


7. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

“ИЖРОЧИ”


Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Фарғона вилояти Қўриқлаш
бошқармаси
Фарғона шаҳар Оқ-сув 4-уй
х/р: 21596000900210137001
МФО: 00026 ИНН: 200146674
Марказий банк Фарғона вилояти Бош
бошқармаси

Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Фарғона вилояти Қўриқлаш
бошқармаси бошлиғи
подполковник

Б.И.Мирзакамалов



“БУЮРТМАЧИ”



Фарғона вилоят
“Телерадиокомпанияси” директори

Б.А.Обиджонов

юрисст?

" 5 " февраль 2022 йил кунги 30 -сонли шартномага
илова

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти Қўриқлаш бошқармасига қўриқлаш учун топширилган Фарғона вилояти "Телерадиокомпанияси"
биносининг

СМЕТА ХИСОБИ

01.01.2022 йил кунидан амалда

№	Қўрикланадиган иншоотлар	Манзили	Қўриқлаш тури	Қўриқлаш соати			Бир ойлик қўриқлаш соати	Қўриқлаш учун тўланиши лозим бўлган		Бир ойлик тўланадиган сумма
				Иш куни	Байрам кунлари	Дам олиш куни		1 (бир) пост нархи	Бир ойлик сумма	
1	Фарғона вилояти "Телерадиокомпанияси"	Фарғона ш. Қ.Дадхох кўч.28уй	1 та қўриқлаш пости	24	24	24	730	88 469	64 582 370	64 582 370,00
			1 та қўриқлаш пости	24	24	24	730	88 469	64 582 370	64 582 370,00
Жами:									129 164 740,00	

Бир юз йигирма тўққиз миллион бир юз олтмиш тўрт минг етти юз қирк сўм

Фарғона вилояти Қўриқлаш бошқармаси
бошлиғи подполковник

Б.И.Мирзакамалов

МИБ бошлиғи катта лейтенант

Ф.Ишанкулов

2022 йил

Фарғона вилояти "Телерадиокомпанияси"
директори

Бош ҳисобчи

2022 йил